

«ZIYONET» ТАРМОҒИНИНГ РЕСУРС МАРКАЗИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1 Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом «ZiyoNET» тармоғининг Ресурс Марказини (кейинчалик Марказ) асосий функциялари, ҳуқуқлари, вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди ҳамда уларга асосий талабларни ўрнатади.

1.2. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-191-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек мазкур Низомга асосан олиб боради.

1.3. Мазкур Низомнинг талаблари Марказ фаолиятини ташкил этишга асос ҳисобланади.

2 Марказнинг мақсад ва вазифалари

2.1. Марказнинг асосий мақсади таълимга оид ахборот ресурсларини жамлаш ва янгилаб бориш ҳамда мамлакат мактаблари, лицейлари, колледжлари ўқувчиларининг, олий таълим муассасалари талабаларининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун тармоққа уланиш зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек Интернет тармоғининг миллий сегментида таълим ва билим берадиган ахборот ресурсларини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳисобланади.

2.2. Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

ёшлар учун: уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишга; ўсиб келаётган ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат туйғусини, Ўзбекистоннинг бой тарихи, халқнинг миллий анъаналари ва маънавий қадриятларини билишга асосланган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини мустаҳкамлашга; фаол ҳаётий мавқега эга бўлган баркамол шахсни вояга етказишга қаратилган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш;

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ёшларнинг маънавий, ақлий жиҳатдан камол топишига кўмаклашадиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, таҳлилий, маънавий-маърифий, илмий-таълим ҳамда бошқа ахборотдан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш;

республика ўқувчилари ва ёшлари учун масофавий таълим усуллари, бошқа ахборот-коммуникация хизматларининг кенг комплексини таълим тизимига жорий этишда кўмаклашиш.

3 Марказнинг тузилмаси ва бўлимлари

«ZiyoNET» ресурс маркази тузилмаси ва унинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлимлари Компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш «UzInfoCom» марказининг таркибий қисми ҳисобланади ва «UzInfoCom» марказининг Директорига бўйсунди.

4 Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари

Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- жамоа бўлиб фойдаланиш учун ахборот ресурслари ва электрон кутубхоналарни шакллантириш;
- «ZiyoNET» тармоғининг ўзбек ва рус тилларида ёшларга мўлжалланган ижтимоий-сиёсий, илмий-таълим, маданий-маърифий ва маълумот-таҳлилий материаллардан иборат ахборот ресурсларини яратиш, ривожлантириш ва жамлаш дастурини;
- таълим жараёнини илмий-услубий ва ахборот таъминоти;
- янги авлод ахборот технологияларини, жумладан реал вақт ахборот технологиялари, ахборотни тезкор алмашинуви ва юқори ишлаб чиқариш ҳисоб-китоблари, тарқалган ҳисоблаш, шунингдек тармоқ ресурсларидан фойдаланишни ўзлаштириш;
- республика ҳудудида жойлашган таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларни «ZiyoNET» тармоғига улаш хизматларини кўрсатиш;
- дастурий маҳсулотларни, шунингдек Интернет орқали электрон ўқитиш воситалари ва маълумотлар базаларини, фан ва таълим соҳасида ахборот ресурсларини яратиш, амалда тадбиқ қилиш ва қўллаб қувватлаш;
- умумтаълим, маданий, маънавий-маърифий характердаги веб-сайтларни яратиш, ишга тушириш ва фаолиятини таъминлаш;
- технологик майдончада жойлаштириш учун ахборот ресурсларини экспертизадан ўтказиш;
- таълим тизимида фойдаланиш, тажриба алмашиш ва АКТ соҳасида янги ахборотларни олиш мақсадида жамоа бўлиб фойдаланиш пунктларини ташкил этишга кўмаклашиш;
- педагог ходимларни, ўқувчилар ва жойлардаги аҳолини аппарат ва дастурий воситаларни амалда қўллаш бўйича маслаҳатлар билан қўллаб қувватлаш;
- барча турдаги ва даражадаги таълим муассасаларини ўқув жараёнига ахборот ва тармоқ технологияларини интеграцияси;
- барча турдаги ва даражадаги таълим муассасаларида ўқув жараёнида ахборот ресурсларини ривожланиш жараёни мониторинги;
- видеоконференциялар, олимпиадалар, форумлар ва бошқаларни ташкил этиш ва қўллаб қувватлаш;
- ресурс маркази базасида таълим соҳаси ходимларини касбий мулоқот тизими таълим ахборот воситасини яратиш;
- ресурс марказининг ягона техник майдончаси узлуксиз ишлаши ва Интернетга уланиш каналларига хизмат кўрсатишни таъминлаш;
- ахборот ресурсларини хохламаган ресурсларга уланишини чеклаш билан контент филтрлашни таъминлаш;
- халқаро ахборот тармоқлари ахборот ресурсларига уланишни таъминлаш;
- шахсий домен номларини рўйхатга олиш, ахборот ресурсларини Марказнинг технологик майдончасида жойлаштириш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш, электрон почта хизматлари мактаблар, академик лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ҳамда бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасалардаги фойдаланувчиларга бепул кўрсатилиши;
- агрессив Интернет-контентдан ҳимояланишни таъминлаш.

5 Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Марказ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– иш ва хизматларга талабдан келиб чиқиб ўз фаолиятини режалаштириш ва келажак истиқболларини белгилаш;

– ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда контентни жамлаш режасида марказнинг хабардорлик даражасини ошириш учун четдан ташкилот ва муассасаларни шартнома асосида жалб қилиш.

5.2. Марказ қуйидагиларга мажбур:

– Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг АКТ ривожлантириш фондидан олинadиган маблағлар ҳисобига бажарадиган ўзининг асосий фаолиятини «Uzinfocom» Маркази директори билан келишиш;

– яратилadиган ахборот ресурсларини ягона технологик майдончада шакллантириш, фаолиятини таъминлаш ва ривожлантириш;

– Марказ ходимларига хавфсиз меҳнат шароити яратиш ва уларни ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.

5.3. Марказ ўз фаолияти натижалари учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги олдида ҳисобот беради.

Марказнинг бўлимлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги қошидаги Секторлари мазкур бўлинмалар раҳбарлари, Марказ бошлиғи ва «Uzinfocom» Маркази директори олдида ҳисобот берадилар.

Марказ иш режасини тасдиқлаш «Uzinfocom» Маркази томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

5.4. Марказ бошлиғи Марказ фаолиятини «Uzinfocom» Маркази Директори билан келишади.

6 Марказнинг молиявий-иқтисодий ва хўжалик фаолияти

6.1. Марказ фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, шунингдек унинг технологик майдончасини яратиш ва ривожлантиришни, ахборот ресурслари шакллантирилишини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

6.2. Марказ ва унинг бўлимлари Компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш «Uzinfocom» Маркази, шунингдек Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташкилотлари ҳамда корхоналари штатидаги ходимлар ҳисобига мутахассислар билан таъминланади.

Марказнинг бошқа ташкилотлар таркибига кирувчи функционал бўлинмалари, улар олдида шундай масъулиятни зиммаларига олишади.

6.3. Марказ фаолиятини «Uzinfocom» Маркази Директори амалга оширади.

6.4. Марказнинг Бухгалтерлик ва солиқ ҳисоблари «Uzinfocom» Марказининг умумий масалалар бўйича Департаменти томонидан олиб борилади.

7 Марказ фаолиятини бошқариш

7.1. Марказни бошқариш Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

7.2. Марказнинг фаолиятини тўғридан-тўғри бошқариш «Uzinfocom» Маркази директори буйруғи билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишган ҳолда лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимдан озод қилинадиган Марказ бошлиғи томонидан амалга оширилади.

7.3. Марказ бошлиғи Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда мазкур Низомга мувофиқ ўз хизмат доирасида фаолиятини амалга оширади.

7.4. Марказ бошлиғи Марказ фаолиятига жавобгарликни олади ва «UzInfoCom» Маркази директориға бўйсунди.

7.5. Марказ бошлиғи қуйидаги функцияларни бажаради:

- Марказнинг тўғридан-тўғри фаолиятини бошқаради;
- «UzInfoCom» Маркази номидан фаолият олиб боради, давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларда унинг манфаатларини намоиш этади;
- «UzInfoCom» Маркази директори билан келишган ҳолда Марказ штат жадвалини ва таркибини аниқлайди;
- Марказ ходимларининг хизмат мажбуриятларини белгилайди.

8 Яқуний низом

8.1. Мазкур Низомга ўзгариш ва қўшимчалар «UzInfoCom» Маркази директори томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишган ҳолда киритилади.

8.2. Марказни тугатиш ёки қайта ташкил этиш «UzInfoCom» Маркази директори томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
«ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғининг
Ресурс маркази бўлими тўғрисида НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғи Ресурс маркази бўлимининг (кейинчалик «ZiyoNET» Ресурс маркази бўлими) асосий функциялари, ҳуқуқлари, вазифалари, жавобгарлиги ҳамда фаолиятининг бошқа томонларини белгилаб беради.

2. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-191-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

3. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «Ўзинфоком» марказининг қўшма буйруғи билан ташкил этилади.

4. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва йўриқномалари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги меъёрий ҳужжатлари, буйруқлари, «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғи Ресурс маркази тўғрисидаги Низом ҳамда ушбу Низомга асосан олиб боради.

5. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлимининг фаолияти Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, ҳамда таълим муассасалари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

II. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлимининг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар «ZiyoNET» ресурс маркази бўлимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг ягона информацион муҳитини яратиш ҳамда ахборот-коммуникация воситалари ва ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

мамлакат ёшлари ва талабаларининг ахборот ресурсларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш мақсадида фан, таълим, адабиёт, маданият, спорт, санъат, тарих ва бошқа ижтимоий-таълим информацион ресурслар базасини шакллантириш ва ривожлантириш;

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ёшларнинг маънавий, ақлий жиҳатдан камол топишга қўмаклашадиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий илмий тадқиқотлар ва таълимга оид ахборотлардан кенг кўламда фойдаланиш учун техник ва дастурий шарт-шароит яратиш;

ахборот ресурслари ва тизимлари, шунингдек жамоат таълим тармоғи фойдаланувчиларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

жамоат таълим ахборот тармоғи ва унинг ресурс базаларини ривожлантириш учун молиявий воситалар, шунингдек имтиёзли кредитлар, грантларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш.

7. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ёшларнинг маънавий, ақлий жиҳатдан камол топишга кўмаклашадиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий илмий тадқиқотлар ва таълимга оид ахборот ресурсларини яратади ва ривожлантиради;

ўқув-таълим муассасаларининг ягона информацион муҳитини яратиш ҳамда ахборот-коммуникация воситалари ва ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этади;

таълим муассасаларини «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғи ҳамда халқаро Интернет тармоғига марказлаштирилган ҳолда боғланишини ташкил этади;

таълим муассасаларида яратилган ахборот-таълим ресурсларини «ZiyoNET» тармоғи ресурс марказининг технологик майдончасига жойлаштирилишини ташкил этади ҳамда тармоқ фойдаланувчиларининг ахборот хавфсизлигини таъминлайди;

ахборот-таълим ресурсларини яратиш ва уларни экспертизадан ўтказиш, уларни «ZiyoNET» тармоғи ресурс марказининг технологик майдончасига жойлаштириш бўйича услубий ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқади;

таълим муассасалари томонидан яратилган ҳамда «ZiyoNET» тармоғига жойлаштирилган ахборот-таълим ресурслари мониторингини олиб боради;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг илмий тадқиқотлар ва таълимга оид ахборот ресурсларига бўлган эҳтиёжини ўрганади ва уларни яратиш жараёнини ташкил қилади;

таълим муассасаларига ахборот-таълим ресурсларини яратиш, уларни «ZiyoNET» тармоғига жойлаштириш, ҳамда тармоқдаги мавжуд ахборот-таълим ресурсларидан ўқув жараёнида фойдаланиш бўйича информацион-маслаҳат хизмат турларини ташкил этади;

III. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлимининг ҳуқуқи ва жавобгарлиги

8. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун қуйидаги iуқуқларга эга:

давлат таълим стандартларига, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларга мос тарзда ахборот-таълим ресурсларининг яратилиши ва такомиллаштирилишини ташкил қилиш;

вазирлик бўлинмалари ва вазирлик қошидаги ташкилотлар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассаларидан ахборот-таълим ресурсларини яратиш билан боғлиқ вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни сўраш;

«ZiyoNET» ресурс маркази бўлимининг фаолиятига тегишли бўлган масалалар бўйича олий таълим муассасалари раҳбарлари, ходимлари, ташкилот ва муассасалар вакиллари билан ишчи йиғилишлар ўтказиш;

ўрнатилган тартибда консультатив ва эксперт тадбирларни ўтказиш, ҳамда ахборот-таълим ресурсларини яратиш ва ривожлантириш мониторингини амалга ошириш мақсадида олий таълим муассасалари ходимлари ва мутахассисларини жалб этиш;

«ZiyoNET» ресурс маркази бўлимида вақтинчалик илмий-тадқиқот жамоалари, гуруҳлари ва шу қабиларни тузиш;

ахборот-таълим ресурсларини яратиш ва ривожлантиришга ҳамкорлик қилувчи ҳорижий фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар билан ўрнатилган тартибда музокаралар олиб бориш;

ўз фаолиятига тегишли масалалар бўйича электрон материаллар, даврий ва босма материаллар, интернет ва электрон почта хизматидан фойдаланиш;

9. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими қуйидагиларга жавобгар:

«ZiyoNET» ресурс маркази бўлими олдида қўйилган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

ахборот-таълим ресурсларини яратиш ва уларни экспертизадан ўтказиш, уларни «ZiyoNET» тармоғи ресурс марказининг технологик майдончасига жойлаштириш ишларининг сифатли бажарилишига;

«ZiyoNET» тармоғи ресурс марказида мавжуд бўлган ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш учун имконият яратишга;

«ZiyoNET» ресурс маркази бўлими ўзининг фаолияти юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бошқармасига ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзинфоком» марказига ҳисобот беришга;

иш ва ижро интизомини сақлашга.

IV. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлимининг тузилмаси ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш

10. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими тузилмасига 10 штат бирлигидан иборат бўлган қуйидаги лавозимлар киради: «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими бошлиғи, сектор бошлиғи, бош мутахассис, етакчи мутахассис.

11. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлимига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «Ўзинфоком» марказининг қўшма буйруғи асосида тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

12. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими бошлиғи ушбу Низомга мувофиқ ва амалдаги қонунлар асосида ўз ваколатлари доирасида «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими фаолиятини ташкил қилади ва бошқаради.

13. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими ва «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими бошлиғининг иш режасини тасдиқлаш «Uzinfocom» Маркази томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

V. Халқаро ҳамкорлик

14. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими ахборот-таълим ресурсларини яратиш бўйича илғор жаҳон тажрибаларини ўрганиш учун ҳамда ўз ходимларининг малакасини ошириш учун халқаро алоқалар ўрнатади.

«ZiyoNET» ресурс маркази бўлими Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда чет эл мутахассисларини тажриба алмашиш ва малака ошириш учун таклиф қилади.

«ZiyoNET» ресурс маркази бўлими халқаро инвестицияларни жалб қилади.

«ZiyoNET» ресурс маркази бўлими халқаро, илмий, илмий-амалий конференцияларда, симпозиумларда, форумларда ва бошқа кўрикларда иштирок этади.

VI. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш

15. «ZiyoNET» ресурс маркази бўлими фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «Ўзинфоком» марказининг кўшма буйруғига ҳамда амалдаги қонунларга асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғининг Ресурс маркази бўлими тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғи Ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлимининг (кейинчалик бўлим) асосий функциялари, ҳуқуқлари, вазифалари, жавобгарлиги ҳамда фаолиятининг бошқа томонларини белгилаб беради.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-191-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

3. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «Ўзинфоком» марказининг кўшма буйруғи билан ташкил этилади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғи Ресурс марказининг меъёрий ҳужжатлари, буйруқлари ҳамда ушбу Низомга асосан олиб боради.

5. Бўлимнинг фаолияти Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда таълим муассасалари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

II. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари ва вазирлик тасарруфидаги барча таълим муассасаларининг ягона ахборот муҳитини яратиш ҳамда ахборот-коммуникация воситалари ва ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

мамлакат ёшларининг ахборот ресурсларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш мақсадида фан, таълим, адабиёт, маданият, спорт, санъат, тарих ва бошқа ижтимоий-таълим ахборот ресурслар базасини шакллантириш ва ривожлантириш;

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ёшларнинг маънавий, ақлий жиҳатдан камол топишига кўмаклашадиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, илмий ва таълимга оид ахборотлардан кенг кўламда фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш;

ахборот ресурслари ва тизимлари, шунингдек жамоат таълим тармоғи фойдаланувчиларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

жамоат таълим ахборот тармоғи ва унинг ресурс базаларини ривожлантириш учун молиявий воситалар, шун жумладан, имтиёзли кредитлар, грантларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ёшларнинг маънавий, ақлий жиҳатдан камол топишга кўмаклашадиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, илмий ва таълимга оид ахборот ресурсларини тўплайди ва «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғига жойлаштиради;

ўқув-таълим муассасаларининг ягона ахборот муҳитини яратиш ҳамда ахборот-коммуникация воситалари ва ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этади;

Халқ таълими тизимидаги муассасаларни «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғи ҳамда халқаро Интернет тармоғига боғланишини ташкил этади;

таълим муассасаларида яратилган ахборот-таълим ресурсларини «ZiyoNET» тармоғи Ресурс марказининг технологик майдончасига жойлаштирилишини ташкил этади ҳамда тармоқ фойдаланувчиларининг ахборот хавфсизлигини таъминлайди;

ахборот-таълим ресурсларини яратиш ва экспертизадан ўтказиш, уларни «ZiyoNET» тармоғи Ресурс марказининг технологик майдончасига жойлаштириш бўйича меъёрий ва услубий ҳужжатлар ишлаб чиқади;

таълим муассасалари томонидан яратилиб, «ZiyoNET» тармоғига жойлаштирилган ахборот-таълим ресурслари мониторингини олиб боради;

таълим муассасаларига ахборот-таълим ресурсларини яратиш, уларни «ZiyoNET» тармоғига жойлаштириш, ҳамда тармоқдаги мавжуд ахборот-таълим ресурсларидан ўқув жараёнида фойдаланиш бўйича ахборот-маслаҳат хизмат турларини ташкил этади;

III. Бўлимнинг ҳуқуқи ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат таълим стандартларига, Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларга мос тарзда ахборот-таълим ресурсларининг яратилиши ва такомиллаштирилишини ташкил қилиш;

вазирлик бошқарма ва бўлимлари, вазирлик тасарруфидаги ташкилот ва муассасалардан ахборот-таълим ресурсларини яратиш билан боғлиқ вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

Бўлимнинг фаолиятига тегишли бўлган масалалар бўйича таълим муассасалари раҳбарлари, ходимлари, ташкилот ва муассасалар вакиллари билан ишчи йиғилишлар ўтказиш;

ўрнатилган тартибда консултатив ва эксперт тадбирларни ўтказиш, ҳамда ахборот-таълим ресурсларини яратиш ва ривожлантириш мониторингини амалга ошириш мақсадида таълим муассасалари ходимлари ва мутахассисларини жалб этиш;

Бўлимда вақтинчалик илмий-тадқиқот жамоалари, гуруҳлари ва шу кабиларни тузиш;

ахборот-таълим ресурсларини яратиш ва ривожлантиришга ҳамкорлик қилувчи хорижий фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар билан ўрнатилган тартибда музокаралар олиб бориш;

ўз фаолиятига тегишли масалалар бўйича электрон, даврий ва босма материаллар, интернет ва электрон почта хизматидан фойдаланиш;

9. Бўлим қуйидагиларга жавобгар:

Бўлим олдига қўйилган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида, сифатли бажарилишига;

ахборот-таълим ресурсларини яратиш ва уларни экспертизадан ўтказиш, уларни «ZiyoNET» тармоғи Ресурс марказининг технологик майдончасига жойлаштириш ишларининг сифатли бажарилишига;

«ZiyoNET» тармоғи Ресурс марказида мавжуд бўлган ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш учун етарли имконият яратишга;

Бўлим ўзининг фаолияти юзасидан Халқ таълими вазирлигининг Ўқув тарбия жараёнини ривожлантириш ва ташкил этиш бош бошқармасига ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзинфоком» марказига ҳисобот беришга;

иш ва ижро интизомини сақлашга.

IV. Бўлимнинг тузилмаси ва унинг фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим тузилмасига 10 штат бирлигидан иборат бўлган қуйидаги лавозимлар қиради: Бўлим бошлиғи, сектор бошлиқлари, бош мутахассислар, етакчи мутахассислар.

11. Бўлимга Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «Ўзинфоком» марказининг кўшма буйруғи асосида тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи ушбу Низомга мувофиқ ва амалдаги қонунлар асосида ўз ваколати доирасида бўлим фаолиятини ташкил этади ва раҳбарлик қилади.

13. Бўлимнинг иш режасини тасдиқлаш «Uzinfocom» Маркази томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

V. Халқаро ҳамкорлик

14. Бўлим ахборот-таълим ресурсларини яратиш бўйича илғор жаҳон тажрибаларини ўрганиш учун ҳамда ўз ходимларининг малакасини ошириш учун халқаро алоқалар ўрнатади.

Бўлим Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзинфоком» маркази билан келишилган ҳолда чет эл мутахассисларини тажриба алмашиш ва малака ошириш учун таклиф қилади.

Бўлим ўз ваколати доирасида халқаро инвестицияларни жалб қилади.

Бўлим халқаро ва маҳаллий илмий, илмий-амалий конференцияларда, симпозиумларда, форумларда ва бошқа кўрикларда иштирок этади.

VI. Бўлим фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш

15. Бўлим фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «Ўзинфоком» марказининг кўшма буйруғига ҳамда амалдаги қонунларга асосан амалга оширилади.